ЎзССР Давлат кутубхоналари палатаси
2016.
Госкомпечать Узбекской ССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 249 (5540).
30 ОКТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ШОНЛИ ВЕТЕРАНЛАР, ЕШЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИ! ЁШ АВЛОДГА ЎЗ БИЛИМИНГИЗ, БОЙ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАНГИЗНИ ЎРГАТИНГИЗ!

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ВАТАНИМИЗНИНГ ОТАШИН ВАТАНПАРВАРЛАРИ, ЛЕНИН ИШИ УЧУН, КОММУНИЗМ УЧУН ФИДОКОРОНА КУРАШЧИЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг «КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари Арманистон республика партия ташкилотида қандай бажарилаётганлиги тўғрисида» ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилди. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорининг қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил этиш, шу масалада орттирилган тажрибани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш топширилди. Бевосита меҳнат коллективларида, аҳолининг истиқомат жойларида партия ташкилотлари бутун ташкилотчилик, идеологик фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштиришга доир бошланган ишлар сабот билан давом эттирилсин. Барча ташкилотчилик ва пропаганда иши, социалистик мусобақа 1984 йилги ва умуман беш йиллик планлари билан мажбуриятлари сўзсиз бажарилишига, КПССнинг навбатдаги XXVII съездини, 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилсин.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги партия бюросининг партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари талаблари асосида партия ва ҳукумат қарорларини ижро этилиши учун аппарат коммунистларининг масъулиятини ошириш борасидаги иши масаласи кўриб чиқилди. Министрликнинг партия ташкилоти контролликнинг ишни ташкил этиш ва кадрларни тарбиялаш билан аниқ-пухта қўшиб олиб борилишига эришмаганлиги, топширилган участкалардаги ишларнинг аҳволи учун аппарат коммунистлари, барча ходимларнинг масъулиятини ошириш да етарлича қатъият ва принципиаллик кўрсатмаётганлиги, баъзан уларнинг хизмат фаолиятидаги жиддий нуқсонларга тоқат қилиб келаётганлиги, бу нуқсонларга тегишлича партиявий баҳо бермаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Партия бюроси бошқармалар ва бўлимлар фаолиятида чинакам ишчанлик услубини қарор топтиришга доир таъсирчан чораларни кўрмаяпти. Айрим раҳбарлар кўпдан кўп буйруқ ва фармойишларнинг кучига ҳамон умид боғлаб, қоғозбозлик услубида раҳбарлик қилишни давом эттирмоқдалар. Партия бюроси тармоққа раҳбарлик қилишдаги жиддий нуқсонларга кескин эътибор бермаяпти, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда, давлат интизоми бузилишларининг пайини қирқишда етарлича принципиаллик ҳамда сиёсий ҳушёрлик кўрсатмаяпти. Марказий Комитет Бюроси камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатди, министрлик партия бюроси билан коллегиясидан аппаратнинг иш услуби ва методларини ўзгартиришни, бошқарма коммунистлари, барча ходимларининг ўзларига ишониб топширилган участкалардаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятини оширишни, 1984 йилги ва умуман беш йиллик товар оборотлари плани, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумларининг қарорлари сўзсиз бажарилишига эришишни талаб қилди.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида кадрлар резервини вужудга келтириш ва раҳбар ходимлар малакасини ошириш соҳасидаги ишини муҳокама қилди. Марказий Комитет Бюроси бу масаладаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтиб, министрлик коллегияси зиммасига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни тубдан яхшилашга, иш самарадорлигини, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан раҳбар органларнинг қарорларини бажаришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Марказий Комитет Бюросида меҳнатга қобилиятли аҳолининг республика халқ хўжалиги тармоқларида бандлигини оширишга доир тадбир белгиланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Ўзптицепром» республика паррандачилик саноат бирлашмасини Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитетига айлантириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий Комитет Бюросида республика иқтисодий ва социал сиёсатининг халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилинди.

ФИЗИК ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

29 октябрь куни Тошкентда ярим ўтказгичлар ва турдош материаллар радиация физикасига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Конференция ишида Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск, Донецк, Харьков, Одессадан келган таниқли олимлар қатнашмоқдалар.

Конференция иштирокчилари тўрт кун давомида қатиқ жисм радиация физикаси, ярим ўтказгичларда рўй берадиган жараёнларни бошқариш, турли нуқсонларни бартараф этишда лазерлардан фойдаланиш, электрон-ҳисоблаш техникасини амалда кенгроқ қўлланишнинг актуал проблемаларини муҳокама қиладилар.

Конференция қатнашчилари радиация-физик тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон олимлари эришган ютуқлар билан танишадилар.

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

29 октябрь куни Тошкентда манзарали-амалий санъат буюмларининг республикалараро улгуржи ярмаркаси очилди.

Белоруссия ва Қозоғистон, Ўзбекистон ва Арманистон, Молдавия ва Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон халқ усталари яратган буюмлар Ўзбекистон Рассомлар союзининг бадиий салонига қўйилган. Бу ерда заргарлик буюмлари, гиламлар, кашталар ва болалар ўйинчоқлари, миллий кийим-кечаклар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари бор.



«Партия ва ҳукуматнинг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги» — уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси ва В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали томонидан уюштирилган ва ўтказилган конференция ана шу мавзуга бағишланди. Олдин хабар берганимиздек, унда Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари полковник У. Р. Мўминов, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри А. М. Худойберганов, Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Х. Ё. Ёқубжонова сўзга чиқдилар.

Мухбиримиз Абдулла Маткаримович Худойберганов ва Хосият Ёқубовна Ёқубжонова билан учрашиб, улардан КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарори, шунингдек, партия ва ҳукуматнинг бошқа ҳужжатлари асосида уруш ветеранларига медицина хизмати кўрсатиш ва социал таъминот масаласида нима ишлар қилинганлиги ва қилиниши ҳақида гапириб беришларини сўради.

Уларнинг жавоблари ҳамда «Ватанпарвар» ва «Ветеран» кўшма саҳифаси материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

* * *

СУРАТДА: конференция қатнашчиларидан бир группаси.

М. Нуриддинов фотоси.

АРХИТЕКТОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛМОҚДАЛАР

СССР Архитекторлар союзи секретариатининг 29 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган кўчма мажлисида Ўзбекистон Архитекторлар союзининг меъморчилик тажрибаси ва ижтимоий-иқодий фаолияти қай аҳволда эканлиги ҳақида гаплашиб олинди. Мажлисда Москва, Ленинград, Минск, Вильнюс, Боку, Душанбадан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан Ўзбекистон пойтахтига келган етакчи архитектор-лар қатнашдилар.

Ўзбекистон меъморларининг иқодида миллий анъаналар билан замонавийлик уйғун равишда бирга қўшилаётганлиги мажлисда уқтириб ўтилди. Республика пойтахтининг истиқбол бош плани, Самарқанд, Бухоро, марказларини қуришнинг муфассал лойиҳалари, қадимий Хива ёдгорликларини, айрим архитектура ансамбллари ва биноларини таъмирлаш лойиҳалари юқори баҳоланди.

Республика архитекторларининг район марказлари ва қишлоқ посёлкалари қиёфасини ўзгартириш соҳасидаги катта ишлари — уларнинг жуда кўпчилиги учун бош планлар тузиб берилганлиги, табиий-иқлим шароитлар ва аҳолининг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинган қулай ва арзон уй-жойларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлис қатнашчилари республика шаҳарсозлигидаги бир қанча камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар, бу камчиликларни тугатиш йўлларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

КОРХОНАНИНГ САЛМОҚЛИ ЮТУҒИ

Тошкент косметика-парфюмерия фабрикаси коллективи юбилей йилининг тўққиз ойи мобайнида плиандан ташқари тайёрлаган маҳсулоти 200 минг сўмдан ошиб кетди. Улгуржи баҳоларда плиандан ташқари тайёрланган халқ истеъмоли моллари 307 минг сўмликдан иборат. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 процент кўп демакдир.

Меҳнатни бригада пудрати асосида ташкил этишни оммавий тадбиқ этиш натижасида бундай ютуққа эришилмоқда. Корхонада 29 коллектив ягона наряд асосида ишламоқда. Л. В. Панаргина бошчилик қилаётган 2-қуюв цехи корхонанинг ҳақли равишда илғор коллективи ҳисобланади. Бу илғор ишчи ўттиз йилдан буён шу ерда меҳнат қилмоқда ва кўплаб ёшларнинг севимли мураббийси ҳисобланади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қизғин бораётган мусобақада Ф. Аҳмедова бошлиқ бригада ҳам пешқадамлик қилмоқда. Бу коллектив смена топшириқларини 140—150 процент адо этмоқда. Бригада советлар мамлакати туғилган кунигача йиллик планни бажариш мажбуриятини олган.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 25

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 29 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,04	94,52
Тошкент	1,10	92,38
Наманган	1,02	89,63
Андижон	0,90	85,51
Хоразм	1,14	80,75
Сурхондарё	0,94	80,73
Сирдарё	1,56	78,92
ҚҚАССР	1,27	67,54
Самарқанд	1,10	66,67
Жиззах	0,96	60,17
Бухоро	0,54	58,88
Навоий	0,94	56,39
Қашқадарё	0,75	43,91
Республика бўйича	1,01	74,19





ЗАРБДОР МЕҲНАТ, ЯХШИ КАЙФИЯТ

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 90-мактабнинг юздан зиёд ўқувчилари шу кунларда Жиззах областининг Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоз мирришкорларига «оқ олтин» йиғим-теримида баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. Ўқувчиларнинг ҳар бири республикамизнинг улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшишга интилаяпти: шу кунга қадар мактаб ўқувчилари совхоз хирмонига тўккан пахта 50 тоннадан ошиб кетди. Ўқувчиларнинг турмуш шароити яхши ташкил этилганлиги уларнинг зардобларча меҳнат қилишларига ёрдам бераяпти. Улар совхоз марказидаги мактаб биносида истиқомат қилишади. Ҳашарчи пахтакорларнинг озиқ-овқат таъминотида ҳам, маданий хизматда ҳам камчиликлари йўқ.

Болаларнинг дам олиш вақти ҳам яхши ташкил этилган: Жиззах область комсомол комитетининг агитбригадаси тез-тез ташриф буюриб турадн.

СУРАТЛАРДА: Чилонзор районидаги 90-мактаб ўқувчилари пахта теримида.



МИРИШКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон театр жамияти Президиумининг ташаббуси билан пойтахтимиздаги бир қатор санъат даргоҳларининг ижодкорларидан иборат махсус группа Сирдарё областининг Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхозда бўлди. Тошкентлик санъат усталари ана шу хўжаликда пахтакорларнинг оғирини енгил қилаётган В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультети студентларига маданий хизмат кўрсатгани боришган эди.

Санъаткорлар группаси бошлиғи, театр жамияти президиуми раиси, СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева ана шу кўрсатилган маданий хизмат ҳақида шундай деди:

— Биз санъаткорлар Ворошилов номли совхоз далаларида қизғин меҳнат жараёнини кўриб жуда катта завқ олдик. Чунки пахтакорларимизнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнати ўзини яққол кўрсатиб турибди.

Группамизда Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артист Малика Аҳмедова, Ўзбек давлат филармонияси, Муқимий номли музикали театр артистлари ҳашарчиларга манзур бўладиган программада концерт беришди. Биз билан бирга борган Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, шоир Эркин Воҳидов пахтакорларни, ҳашарчиларни ўзининг илҳомбахш мисралари билан беҳад мамнун этди.

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ ФЕСТИВАЛИ

кеча

республика қўғирчоқ театрида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган ўзбек драматургияси фестивали очилди.

Театрнинг катта ва кичик залларида беш кун мобайнида «Семурғ», «Ойни ким ўғирлади?», «Кенжа қиз», «Бир чигитдан минг чигит», «Сеҳрли кийик», «Сирли най», «Сеҳрли тўрқовоқ» сингари спектакллар намойиш этилади. Бу ерда Ўзбекистон қўғирчоқ театри драматургияси бўйича конференция ташкил қилинади. Бундай театр санъати фестивали республикада биринчи марта ўтказилмоқда.

Болалар театри ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ишида катта аҳамият касб этмоқда. Болаларни жамоат тарбиясига мактаб ислоҳоти ҳужжатида ҳам катта эътибор берилган.

Фестивалда ёш авлод учун пьесалар ёзаётган ёзувчилар ва драматурглар, танқидчилар, театршунослар, композиторлар, республикадаги бешта қўғирчоқ театрнинг ижодий ходимлари қатнашадилар. Фестиваль муносабати билан Тошкентга қардош республикалардан меҳмонлар ҳам келишди. Улар орасида УНИМА Совет марказининг масъул секретари И. Н. Жаровцева (Тошкент қўғирчоқ театри УНИМАнинг кекса аъзоларидан ҳисобланади) бор. Ўзбек театри билан биродарлашган Болгариядаги Габрово қўғирчоқ театрининг директори И. Кискинов ва Габрово округи Советининг маданий ишлар бўйича бош мутахассиси В. Тропчевалар бор. Фестивалнинг барча қатнашчилари кичкинтойлар билан биргаликда тўққиз спектаклни кўриб чиқишади.

Бугунги болалар театри — бу ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашда ўзига хос мактабдир. Унинг муҳим омилларидан бири — репертуарни шакллантириш, унга рус ва жаҳон адабиёти асарлари билан бирга совет драматурглари-нинг пьесаларини ҳам киритишдир.

Қўғирчоқ театрида саҳналаштирилган ўзбек драматурглари-нинг асарлари ёш тошкентликларга жуда ҳам яхши таниш. Театр иқодий коллективи қаерда бўлмасин бу асарларни муваффақият билан намойиш этган. Бу саҳна асарларини Афғонистон, Болгария, Бирма, Ҳиндистон болалари кўришган. Ўзбек қўғирчоқ театри усталари Непалда, Афғонистонда миллий қўғирчоқ театрлар яратилишида иқодий ёрдам беришган.



МОСКВА. Кеча Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов—Г. Каспаров ўртасидаги матчнинг навбатдаги ўн тўққизинчи партиясн ўйналди. Оқ доналарни жаҳон чемпиони сурмоқда. Мазкур партия 44-юрмшда кечиктирилди. Бугун ана шу партия ниҳоясига етказиладн.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча матчда уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов 4:0 ҳисобда пешқадамлик қилаяпти. Ўн тўрт партия дуранг натижа билан тугади. Дуранглар эса матчда ҳисобга олинмайди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ


БУГУН ТОШКЕНТДА:

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида 1983 йил натижаларига кўра социалистик мусобақа ғолиблари бўлган қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш илғорларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ишлаб чиқаришда муносиб ютуқларга эришган қишлоқ меҳнатчиларининг катта группаси виставканинг медалларини олдилар. Бир қатор илғорларга енгил автомашиналар, мотоцикллар, рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорлар топширилди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун ярталаб соат 11 да Тошкентда 14 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 3—5, эртага кундузи 19—21 даража иссиқ бўлади.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ



А. М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри.

Яқинда мамлакатимизда «Жаҳон врачлари ядро урушига қарши» IV конгрессининг чақириғи остига имзо тўплаш якунланди. Унда Ўзбекистонлик 50 мингдан ортиқ врачнинг ҳам имзоси бор. Республикамиз, бутун мамлакатимиз врачларининг бундай позициясини касбнинг инсонийлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилишдек гражданлик бурчи тақозо этади.

Бу фазилатлар айниқса ўтган уруш йилларида яққол намоён бўлди. Фронт ва фронт орқасидаги медицина ходимлари Ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ярадор жангчиларнинг 72,3 процентини саломатлигини тиклаб, сафга қайтардилар. Сафга қайтган миллионлаб солдат ва офицерлар янги куч билан душманни тўла тор-мор этгунча жанг қилдилар. Совет медицинасининг уруш йилларидаги асосий хизмати худди ана шундан иборат. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбекистонлик медиклардан 4 минг киши жасорати ва қаҳрамонлиги юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Уларнинг кўпчилигига бу мукофотлар ўлимидан сўнг берилди.

Биз, медицина ходимлари КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарори мазмуни билан яхши танишмиз. Бу ҳужжат катта сиёсий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, улкан тарбиявий қудратга ҳам эга. Қарор партия ва Совет ҳукуматининг уруш ветеранлари ва инвалидлари ҳақидаги доимий ғамхўрлигидан далолат беради, уларнинг эҳтиёжлари ва илтимосларига диққат билан муносабатда бўлишга чақиради. Урушни бошдан кечирган авлоднинг йўқотилган қувончлари, умидлари, саломатлигини дунёдаги ҳеч бир бойлик билан қайтариб бўлмайди.

Мен медицина хизматининг бугунги имкониятлари ҳақида, уруш инвалидлари ва қатнашчиларини дори-дармон ёрдами ва санаторий давоси билан таъминлашнинг аҳволи, шунингдек, уни ҳал этиш ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Умуман республика бўйича уруш ветеранлари учун 520 та ўрин мавжуд. Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Андижон областларидаги касалхоналарда 30 ўринли бўлимлар, «Ташсовет» номидаги физиотерапия клиникаси ва Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий текшириш институтининг клиникаси ишлаб турибди. Касалхоналар ва клиникаларда турли йўналишдаги 3 минг ўринли резерв яратилган. Тошкентда 200 ўринли корпус қурилиши якунланмоқда. Бу ерда ихтисослаштирилган ўринлар мавжуд бўлади. Инвалидлар ва уруш ветеранлари учун кўп профилли республика касалхонаси лойиҳа лаштирилмоқда.

Улуғ Ватан уруши инвалидларини санаторий-курортларда даволашга ҳам катта эътибор берилмоқда. 1983 йилда сакқиз ярим мингдан ортиқ уруш инвалидлари марказий курортларга ва республика территориясида жойлашган санаторийларга даволаниш путёвка олди. Бу йил соғлиқни сақлаш министрлиги бўйича даволаниш учун жами 49 минг 760 сўмлик путёвка ажратилди. Ҳар йили республика физиотерапия касалхоналарида 500 дан ортиқ уруш инвалидлари ва қатнашчилари ўз саломатлигини тикламоқда.

Уруш инвалидларини дори-дармонлар билан таъминлаш республика дорихона муассасалари томонидан инвалидларнинг амбулаторияда даволаниши учун дорибдармонлар ажратиш тартиби ҳақидаги кўрсатма талаблари асосида амалга оширилади. Медицина ходимлари ёлғиз оғир беморлар учун дорибдармонларни уларнинг уйларига етказиб берадилар, шунингдек, поликлиника медицина ходимлари тошдан телефонлар бўйича буюртмалар қабул қилинади. Уруш инвалидларини бепул даволаш учун ҳар йили 500 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Протезга эҳтиёж сезган ветеран-инвалидларга ҳам бепул хизмат кўрсатилади. 1983 йилда ана шу мақсадларга республика соғлиқни сақлаш бюджетидан 65 минг сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шундай бир диққатга сазовор фактни таъкидлаб ўтмоқчиман. Доимий ёрдамга, парваришга муҳтож бўлган I ва II группа ёлғиз уруш инвалидларига Қизил Ярим Ой жамияти линияси бўйича махсус медицина ҳамширалари бириктириб қўйилган. Улар уйда медицина ёрдами кўрсатиш билан бирга, хўжалик ишларида ёрдам берадилар.

1985 йилнинг 1 майидан бошлаб уруш инвалидлари ва қатнашчилари учун уларнинг моддий-маиший шароитларини ва медицина хизматини яхшилаш бўйича қўшимча имтиёзлар жорий этилади. Масалан, ҳозир стационар даволанишда бўлган бемор инвалидларнинг овқатланиши учун ҳар куни 1 сўм 27 тийин ажратилмоқда. 1 майдан бошлаб 1 сўм 82 тийин ажратилади. Дори-дармонлар учун 60 тийин ажратилган бўлса, у 90 тийинга етади. Дорихоналардан уруш қатнашчиларига дори-дармонлар 50 процент арзон нархда берилади.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорига кўра соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина муассасалари Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига медицина хизматини янада яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко ўз нутқларидан бирида таъкидлаб ўтганидек, хизмат бурчини бажариш пайтида жанговар ҳаракатларда ярадор бўлган ва жароҳатланган солдат ва офицерлар, шунингдек, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари умумхалқ ғамхўрлиги ва эътиборига сазовордир. Бу кўрсатмадан келиб чиқиб, биз, медицина ходимлари, Ватанни манфур душмандан ҳимоя этишда кўксини қалқон қилган сиз, жасур ветеран-фронтчилар олдидаги қарзимизни адо этиш учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР



Х. Е. ЕҚУБЖОНОВА,
Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорида бизнинг соҳамиз ходимлари олдига уруш ветеранларига хизмат кўрсатиш бўйича ишларни янада яхшилаш юзасидан конкрет вазифалар қўйилди. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда жасорат ва қатъият кўрсатган жангчиларни шарафлаб, биз кундалик ишимизда оғизда эмас, балки амалда ветеранларнинг сиҳат-саломатлиги, моддий фаровонлиги ва бошқа масалалар билан шуғулланишни бир дақиқа ҳам унутмаяпмиз.

Тошкентда 35 минг уруш қатнашчиси бор. Шундан 4 минги турли группа инвалидлари ҳисобланади ва 4 мингга яқини эса урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларидир. Уларнинг кўпчилиги кексайиб қолганлигига қарамай, халқ хўжалиги турли тармоқларида меҳнат қилмоқдалар, ёшларнинг актив мураббийлари бўлиб, жамоат ишларида қатнашмоқдалар, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Йил сайин уруш инвалидларига ажратилаётган пенсия маблағлари ошиб бормоқда. Ҳозир уларга республикада йилига 50 миллион сўм пенсия бериляпти. Бу эса 1981 йилга нисбатан 3 миллион сўм кўпдир. Бундан ташқари, инвалид-ветеранларга ҳар йили бир йўла юз минг сўм миқдорида нафақа берилмоқда. Уруш қатнашчилари турар жой, электр энергия ва газ ҳақининг 50 процентини тўлайдилар. Бу йил уруш инвалидларига 900 та шинам квартиралар ажратилди. 3,5 мингта квартира капитал ремонт қилиб берилди. 4 минг ветеранга телефон тушириб берилди. Шу йилнинг тўққиз ойида уларга 1248 та «Запорожец» автомобили берилди.

Республиканинг кўпгина корхоналари, колхоз ва совхозлари уруш инвалидларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Уруш қатнашчилари агар розилик бермасалар, тунги вақтда ишлашга жалб этилмайдилар. Уларга ҳар йили профилакторийда даволаниш учун йўлланма бериляпти. Коммунал квартираларда яшаётган инвалидларнинг машиналари учун гараж қурилиши муваффақиятли боряпти. Бу иш маҳаллий бюджет маблағига амалга оширилмоқда.

Республикамиз шаҳарларида ва аҳоли пунктларида корхона, ташкилот ва муассасалар, колхоз ва совхозларнинг уруш инвалидлари, ҳалок бўлган жангчилар оилаларига оталиқ қилишларини ташкил этиш бўйича катта ишлар олиб бориляпти. Шуни айтиш керакки, бу оталиқ қарорда кўзда тутилгандек, фақат биринчи группа уруш инвалидларигагина эмас, балки бунга эҳтиёж сезган барча инвалидларга кўрсатилмоқда. Умуман республикада 12 минг инвалид ва ҳалок бўлган жангчиларнинг 3720 оиласига оталиқ қилинмоқда. Оталиқ ёрдам кўрсатиш формалари ранг-баранг.

Масалан, биринчи группа инвалиди, уруш қатнашчиси Н. Қорабоев Чилонзор районида истиқомат қилади. Унга уй қурилишида оталиқ ёрдами кўрсатилди. Биринчи группа инвалиди, ветеран-жангчи О. Юсупов Собир Раҳимов районида истиқомат қилади. Унга янги квартирасини шинам қилиб беришди ва «Запорожец» машинаси олишда оталиқ ёрдами кўрсатилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси социал-таъминот органларининг катта ва мураккаб иши натижаси, албатта. Масалан, Ўзбекистон Социал таъминот министрлигига қарашли илмий-тадқиқот институтимизда қизғин иш олиб бориляпти. Институтнинг илмий тематикасида собиқ уруш қатнашчиларининг инвалидлиги билан боғлиқ сабаб-

№ 10 (18)

ВАТАНПАРВАР

«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

№ 11 (24)

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЕҚУБОВНА ЕҚУБЖОНОВА.

«УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН АМАЛДАГИ ҚОИДАЛАРДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ЕНГИЛЛИКЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ УСТИДАН КОНТРОЛЛИК ҚИЛИНСИН. УРУШ ИНВАЛИДЛАРИНИНГ ВА ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР ОИЛАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА, ШУ ЖУМЛАДАН УЛАРГА БИРИНЧИ НАВБАТДА УЙ-ЖОЙ БЕРИЛИШИГА ВА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарориданг).



Т. Каримов фотоплакати.

ШУҲРАТ,
истеъфодаги
офицер.

МЕН КУРАШДИМ СЕНИНГ ШОДЛИГИНГ УЧУН...

Ҳаётда қоқилсанг,
қўлтиқлаб олиб,
Турғизиб
қўювчи
дўстларинг
бўлса;
Билгинки,
ҳар жангдан
чиқасан ғолиб,
Қаршингга ёв
эмас, минг ажал
келса!
Дўстлар
даврасида
яшаган одам,
Эсингда тутгилки,
асло бўлмас кам.
Мабодо оламдан
ўтганида ҳам,
Ҳеч унут
бўлмайди
у босган қадам.

●

Қора куннинг
тили бор,
фарёд уради,
Балки шундай
зилзила,
тошқин ва тўфон.
Қора куннинг
оёғи,
сирли юради,
Сирли юриб,
шодликни
қилади вайрон!
Шодлик эса,
қаққаҳа
уриб келади,
Балки шундан
дилрабо
куйлар
шеърият.
Зилзилаю
тўфонни енгиб
келади,
Қани қолса
ҳар қалбда
абадулабад!

ШАҲАР ШОВҚИНИДАН УЗОҚДА...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ВЦСПС Ўзбекистон касаба союзларининг шифохона-курорт, туристик ва спорт муассасаларининг моддий базасини 1985—1996 йилларда янада ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Минерал сувлар қудуғининг ишга туширилиши Ўзбекистон кўрлар жамиятининг дам олиш уйини шифохонага айлантириш имконини берди.

Ўрта ёшлардаги, чаккасига оқ оралаган киши бизни шифохонанинг бош корпусига олиб борди. Бу беш қаватли кўркам бинода дам олувчилар яшашади. Унинг хоналари бир кишилик ёки кўпи билан икки кишилик. Ҳар бирида телевизор, кондиционер, холодильник, юмшоқ мебель бор. Ҳаммаёқ шинам.

Шифохона бош врачи М. Мираҳмедов бизга бош корпусни — ванналар, душхона, физиотерапия ва массаж хоналарини кўрсатди. Барча жиҳозлар —замонавий техника восталари. Бу ерда турли касаллик билан оғриган беморлар даволанишади.

Ҳозир шифохона ҳар сменада 300 дам олувчини қабул қилади. Агар эски бир қаватли корпуслар ремонтдан чиқарилса курсовкалар бўйича даволанувчиларни қабул қилиш мумкин бўлади.

Шифохона майдони 10 гектар бўлиб, ёзги жазирамада ҳам бу ердаги дов-дарахтлар ҳарорат Тошкентдагидан 5 даража паст бўлишини таъминлайди. Фавворалар, ҳовузлар, 400 ўринли ошхона, клуб ва кино зали, спорт, теннис заллари, биллиард хона, кутубхона, фотолаборатория ва бошқалар бор.

Коллектив ёш, ишчан, аҳил. Дам олувчилар терапевт врачлар И. С. Дон, И. П. Черенкова, катта ҳамшира Т. И. Хайдуровалар ҳақида илиқ сўзларни айтишади.

А. РУСИНА.

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

У билан бир маҳаллада яшовчи кишилар унинг ҳузурига тез-тез келиб туришади. Биров қувончини хабар қилса, бошқаси маслаҳат сўрайди, яна кимдир ёрдам сўрайди. У қанча вақтини аямай турли идораларга қатнагани ва қария Солиҳа Султоновага пенсия олишда кўмаклашганини ҳамма билади. Бу аёлнинг эри хизмат бурчини ado этиш пайтида ҳалок бўлганига анча вақт бўлган эди.

Исоқ Султонович Исмоилов 67 ёшда, у пенсионер. Илгари 8-авторемонт заводида 20 йил ишлаган. Пенсияга чиққач, автомобиль-йўл институтида қоровуллик қилди. Ҳозир иккала коллектив билан ҳам алоқасини узмаган. Ўзи ишлаган заводга тез-тез боради. Ишлар қандай бораётгани билан қизиқади, эски дўстлари —прораб Армик Иванович Чечьян, асбобсоз Глафира Федоровна Пешкова билан суҳбатлашади. Ишлаб чиқариш бошлиғи Борис Кириллович Мельниченкодан ишлар қандай бораётганини сўрайди, ёрдамга тайёр эканлигини билдиради. Коллектив ҳам Исоқ Султоновични— ўз ветеранини эсдан чиқармайди.

У 9 Май арафасида Қизил Юлдуз ордени ва жанговар медаллари тақилган костюмини кийиб корхонага боради. Ёшларга жанговар йиллар ҳақида сўзлаб беради.

У фронтда қанчақанча йўлларни босиб ўтди, яradор бўлиб госпиталда ётди. Урушдан кейинги йилларда ҳам анчагина қийинчиликларни кўрди. Ниҳоят муносиб дам олиш ёшига етди. Лекин у бир жойда тиниб-тинчиб бекор ўтира олмайди.

Исоқ Султонович редакцияга ҳам ўзи яшаётган Тарихий маҳалласининг ташвиши билан келди. Бу ерда ҳар йили қиш пайтида электр таъминотида узилишлар бўлар экан.

Биз Исоқ Султонович билан унинг ҳаёт йўли ҳақида ҳам суҳбатлашдик.

— Турмушимдан мамнунман, — дейди у. — Ҳамма нарсам етарли, хусусий уйим бор, зилзила пайтида деворлари сал ёрилган эди. Район ижроия комитети ремонт қилишда кўмаклашди. Рафиқам билан яхши пенсия оламиз. Завод ҳам ёрдам беради. Масалан, яқинда ҳаммомни ремонт қилмоқчи эдим, цемент келтириб беришди, керак бўлса шифохонага, туристик саёҳатга йўлланмалар ажратишади.

Исоқ Султонович бу йил автомобиль йўл институтидан ажратилган йўлланма билан «Ботаника» шифохонасида дам олди. Бошқа ташкилотлар ҳам унга кераклі ёрдамни кўрсатади.

Биз Исоқ Султонович билан суҳбатлашар эканмиз, унинг рафиқаси Любовь Ивановна жанговар сафдоши эканини билиб олдик. Рафиқаси ҳамшира бўлган экан. Бирга жанг қилиб, эндиликда бирга ликда аҳил турмуш кечиришаяпти. Ўғил ва қизларини вояга етказишди, маълумотли қилишди. Энди набираларини тарбиялашяпти.

Кекса солдат фақат ўз ташвиши билан яшаётгани йўқ. У маҳалласида ўзи билан ёнма-ён яшаётган кишиларнинг ҳам ташвишларига шерик. Шу сабабли уни ҳамма ҳурмат қилади, эъзозлайди.

В. ГАЛИНА.

«ВЕТЕРАН» ЁРДАМ БЕ

Уруш ва меҳнат ветеранларига кўмаклашувчи жамоатчилик советига 80 ёшли пенсионер аёл Л. Давидова мурожаат этиб, стоматолог врачлар кекса ва оғир беморларга уйда хизмат кўрсатадиларми деб сўраган эди.

Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Йўлдошевнинг жавоб беришича, Л. Давидованинг ҳузурига 2-поликлиника стоматолог врачи борди. Унга уйида медицина хизмати кўрсатилди ва бундан кейин ҳам келиб даволаш учун ҳисобга олинди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Д. Рўзиев ва Қаҳрамон она Д. Рўзиева «Ветеран»га мактуб йўллаб, уларни фарзанди учун бўлган маълумотни яшаб сиқилишини эди. Улар жойда тиқрши масалани этишган. комиссия масала ҳалол этилмаган.

Кировобод район ижроия комитети раиси редакцияга ёзган жавобида шунингдек, Рўзиевларга белгиланган нормаларига турар жой шароитларини комитетнинг ҳалқ уй-жой томонидан олинди.

● Хатлардан

МЕНИНГ БИРИНЧИ ПЕНСИЯМ

Сентябрь ойида 60 ёшга тўлгач, мен пенсияга чиқдим. Кекса пенсионерлар билан бўлган суҳбатда дастлабки пенсияни тахминан икки ойлардан сўнг олишимни билиб олдим. Ўзим ҳам ана шу фикрга кўниб қолган эдим. Аммо менинг бу хом хаёлларим асоссиз экан. 12 октябрда сентябрь ойлари учун биринчи пенсия келди.

Киров таъминот димларига ликлари дорчилик ман.

В. Т

● Қалб

МИННАТДОРМ

Мен 40 йилдан зиёд кўприклар қурилишида меҳнат қилдим. Энди саломатлигим аввалгидек меҳнат қилишга йўл қўймайди. Тез-тез темир йўл поликлиникасига мурожаат этиб туришимга тўғри келади. Самимий муносабатлари ва яхши даволаётганликлари учун ана шу шифохонанинг врачлари С. К. Казанцева, Т. И. Мишин-

наларга чи шакқур.

В. КО

Газета муваффақ ция қилга салхонаси бўлиши дорчилик истар эди.

Б. ЯРОС

2 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

30 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

● ФОТОАХБОРОТ



Бўрхон Султонович СУЛТОНОВ



Тошкент шаҳар партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири Бурхон Султонович Султонов хизмат вазифасини ўтаётган вақтда фожиали ҳалок бўлди.

Б. С. Султонов 1947 йилнинг 19 февралида Тошкент областининг Оққўрғон қишлоғида туғилди. Пермь политехника институтини тугатгандан сўнг у Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим, аспирант бўлиб ишлади. Ўзини мураккаб экспериментларни ўтказишга қодир ижодий илмий ходим сифатида кўрсатди. У жамоат ҳаётида фаол иштирок этар, комсомол ташкилотининг секретари эди.

1973 йилдан бошлаб Б. С. Султонов Куйбишев район комсомол комитетининг аввал иккинчи, сўнгра биринчи секретари қилиб, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари этиб сайланди. 1977 йилда у партия ишига кўтарилди — шаҳар партия комитетининг инструктори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг инструктори этиб тайинланади. 1979 йилдан умрининг сўнгги кунларигача Б. С. Султонов шаҳар партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири вазифасини бажариб келди. У катта ташкилотчилик қобилиятига, юксак масъулият ва принципиаллик туйғусига эга эди, техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаганди. У ўзининг ҳар томонлама билимдонлиги, омилкорлиги, самимийлиги ва камтаринлиги билан ажралиб турар эди. Ўзининг ана шу фазилатлари билан у Тошкент шаҳри партия, совет ва комсомол активининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган эди.

Б. С. Султонов бир неча марта Тошкент шаҳар партия комитети аъзолигига, халқ депутатлари шаҳар ва район Совети депутатлигига сайланган, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Ажойиб инсон, партия ва халқнинг содиқ фарзанди Б. С. Султоновнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

У. У. Умаров, К. П. Дудин, А. В. Гончарова, С. И. Иванова, В. О. Козимов, В. Н. Колесников, Т. Н. Набиев, Ф. Н. Назруллаев, Г. П. Стрельцов, С. М. Юсупов, Х. Х. Тошхўжаев, И. Г. Чижженок, Н. Б. Даминов, Г. Ф. Любимов, Т. Ф. Маришев, Ш. Т. Нусратов, А. В. Попов, А. М. Солиҳов, В. М. Седова, Л. И. Суздальцева, К. Н. Тўлаганов, В. А. Мишин.

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

ПОЙТАХТНИНГ ФРУНЗЕ РАЙОНИ ПАРТИЯ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ ТАШАББУСИ

— Ўғил ва қизларимиз, набираларимиз бир сафда туриб бир бойлиги — «оқ олтин» терамиз, — Абдулла Авлоний маҳалласининг яшовчи ҳурматли қариялар Фрунзе район партия комитетига шундай сўзлар билан мурожаат этишди. Район партия комитети пахта теримида қатнашиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига муносиб меҳнат туҳфаси тайёрлаш кампаниясида бўлган маҳалладаги 32 партия ва меҳнат ветеранининг ташаббусини маъқуллади.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг Фрунзе районида яшовчи толмас кекса гвардия вакиллари Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг пахта далаларида меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] Фрунзе район партия комитети қошидаги партия ветеранлари совети раиси, уруш қатнашчиси, меҳнат ветерани, 74 ёшли К. М. Провознев, коммунист 76 ёшли меҳнат ветерани Н. Рихсиев, партия ветерани, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер 74 ёшли Т. А. Сидельникова, уруш ветерани 48 ёшли К. Иброҳимова, партия ва меҳнат ветеранлари 80 ёшли К. К. Ерзин ва 82 ёшли Р. Бойжонов, меҳнат ветерани К. Одилов.

● *Яхши хислат—гўзал фазилат*

ОДАМИЙЛИК—ИНСОН ҲУСНИ

«Хонадонимизи и н г йизи—отамиз огир салликдан сўнг амдан ўтдилар. Бу м етмагандек устам бошимизга яна мусибат тушди. ажонимизнинг маимларини ўтказаган кунимиз икки рзандимиз тасодиф райли машина тагига қолди»,— деб ўзини Собир Раҳимов ён, 2-Чимбой кўидаги 204-уйда иқомат қилувчи иневлар оиласи.

Редакция номига ган бу мактубда чанд қайғули воқеа хабар қилинса-да, нг кўпгина сатрини миннатдорчилик сўзлари ташкил ди. Мактубда инг жамиятда тутўрни, одамийлиги меҳрибонлиги ва никуярлиги ҳақида юритилади.

Ғолибжон ва Мужонлар кечки пайт осилед миниб кўа чиқиб кетиш ю, уйга қайтишма. Ота-оналар безовта ишди. Қариндошуруғлар оёққа туди. Маҳалла ёрга келди. Ниҳоят дан хабар топилболалари қандир йўловчи «Жиа» машинаси уриби. Ҳозир улар лхонада экан.

Икки ёшни касалга олиб борган ёр йигит роса б-югурибди. Ўн гуи бир гули очилан бу болалар сақлаб қолган врачлардан илос қилибди. Касалдагилар уни дастжиноятчи ҳисобжерқиб ташлади. Кимдир сўкиб. Шофёр йигит бу аларнинг бирортасига парво қилмай ҳамширалар билан жароҳатланганлар атрофида парвона бўлармиш. «Вақт ўтмасин, тезроқ операция қилинглар», дея ҳали у врачга чопармиш.

Афсус, вақт ўтган экан. Муроджон шу ерда дунёдан кўз юмди. Шофёр йигитнинг фиғони чиқди. Хўнграб йиғлаб юборди. Унинг хатти-ҳаракатини кўрганлар билиб-билмай айтилган сўз учун тил тишлаб қолишди. Марҳумнинг отаси фаҳмлаб ундан кечирим сўрашди. Тарвузи қўлтиғидан тушган шофёр йигит эса бир сўз демай машинасига ўтириб-ди-ю, жўнаб кетибди.

Болаларнинг ота-оналари келганда ҳаммаси аён бўлди. Бояги шофёр на жиноятчи, на жабрланувчиларнинг қариндоши экан. Оддий инсон, жамиятимизнинг бир аъзоси экан. У воқеа устига тасодифан келиб қолибди-ю, зудлик билан жароҳатланганларни машинасига ётқизиб, касалхонага олиб келган экан.

...Бундан бир неча кун илгари иш юзасидан Сирдарё областининг Боёвут районига борган эдим. Шу ерда менга бир воқеани айтиб беришди. Қоқ тушлик пайтида Қосим ака хонадонида қийчув кўтарилди. Тушлик овқатга уйига келган механизатор Жабборали эндигина хотини сузиб келган иссиқ овқатни нари сурди-ю, югуриб кўчага чиқди. Ҳамқишлоғи Қосим аканинг уйи ёнарди. Ўт шу қадар авж олган эдики, зудлик билан ёрдам берилмаса хонадон куйиб кул бўларди. Жабборали югуриб кетди. Уйи атрофида куймаланиб этаклари ёнаётган аёл Қосим аканинг хотини «болам» дея нуқул ўзини ичкарига урмоқчи бўларди. Жабборали ҳаммасини тушунди. Ўзини дарҳол ўт орасига урди. Уй ичидан гўдак боланинг чинқириғи эшитилди. Қуюқ тутун туман сингари ҳеч нарсани кўришга имкон бермасди. Жабборалининг аъзои-бадани ёниб борарди. Инсонийлик ориқ азобидан устун келди. Йигит пиёпаслаб бўлса-да, бола ётган бешикни топди. Уни кўтарди-ю, эшик томон югурди. Ҳовлига чиқиб, бешикни безовта онанинг олдига қўйди-да, беҳуш йиқилди...

«Ўша жонқуяр шофёрнинг машина номери 89—75 ТНС эканлигини касалхона журналидан билиб олдик, — деб хатни давом эттиришади Ғаниевлар оиласи, — ўша олий ҳиммат шофёрга чин юракдан самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ўғилларимизни ўз фарзандидек билиб, уларнинг ҳаёт қолишлари учун жон фидо қилган йигитни ўз кўзимиз билан кўришни жуда-жуда истардик».

Жабборалидек инсонларнинг номи ҳам-қишлоқлари қалбида абадий қолса, меҳри дарё, сахий қалб бу шофёр йигитнинг одамийлиги эса кўпчиликка ибрат бўлади.

М. КОМИЛЖОНОВ.

● Наботот оламида

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК

Илмий фанда зубтурум, халқ табобатида баргизуб деб юритиладиган ўсимликнинг турлари ҳар хил: улар ланцетсимон зубтурум, катта зубтурум, паҳмоқгулли зубтурумлардир. У республикамизда кенг тарқалган. Далаларда, йўл ёқаларида, экинзорларда, ариқ бўйларида, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган ялангликларда ўсади. Ўсимлик барги йил бўйи йиғилади. Юпқа қилиб ёйиб, салқин ерда қуритилади. Унинг таркиби гликозит, аччиқ, шилимшиқ ва ошловчи моддалар, «С» ва «К» витаминлари, каротин, сапонинлар, органик кислоталар, алколоидлар ҳамда бошқа бирикмаларга бой.

Шифобахш ўсимлик қадимдан буён қўлланиб келинган. Чунончи, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино зубтурум барги билан қийин битадиган ва хавфли яраларни, шишларни, жигар, буйрак, кўз яллиғланиши хасталикларини даволаган. Қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган. Оловдан куйган жойларга, учуқ ва бошқа тери касалликларига ҳам фойдали.

Зубтурум баргидан тайёрланган дамлама ёки ўсимлик барги ширасидан нафас йўллари, томоқ, йўғон ичак яллиғланиши, безгак, турли яралар, куйдирги ва ичакнинг юқумли хасталикларини даволашда кенг миқёсда қўлланилади.

М. МИРЗАШАРИПОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

ХАНОЙ. Қора дарёда барпо этилаётган Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг катта «Хоабинь» гидроэлектр станцияси қурувчиларининг интернационал коллективи Улуғ Октябрь байрамини меҳнатда салмоқли муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Вьетнам ишчилари билан совет мутахассисларининг Вьетнам халқ хўжалигидаги энг муҳим қурилишда шонли йиллик шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақаси анъанавий бўлиб қолди. Бу йил қурувчилар ўн ойлик план муддатидан илгари бажарилганлиги, комплекснинг энг муҳим объектларини қуриб битказилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

«Хоабинь» ГЭСи — Совет—Вьетнам дўстлиги кўпгина объектларидан биридир. Ўтган йили имзоланган Совет—Вьетнам иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги узоқ муддатли программасида ана шу объектларни барпо этиш кўзда тутилган. Бу программа икки томонлама алоқаларни янги-янги юксак погонага кўтариб, Вьетнамни социалистик индустрлаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Социализм мамлакатларида

ЭҲМ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИДА

СОФИЯ. София округининг Трудовец қишлоғида гидропон технология билан гулхонада гул ва сабзавот етиштириш борасида қизиқарли тажрибалар орттирилди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу ерда ҳатто «парваришлаш» терминининг ўзи номатлуб келади: каттакон хўжаликни юритишнинг ҳамма майда-чуйда ишлари ЭҲМ ҳамда бир неча оператор зиммасига юклатилган.

...Трудовецда олисдан офтобда яркирайдиган гулхоналарнинг ойна деворлари ва томлари бугунги Болгарияда ҳамма ерда учрайдиган неча юзлаб теплица хўжаликларидан ҳеч бир фарқ қилмайди. Аммо ичкарига кирсангиз, хайратда қоладиган ишлар бор, қатор ўсаётган ўсимликларнинг том маънода тупроғи йўқ. Бу ерда сунъий материаллар унумдор ер вазифасини адо этади.

Гидропон технологияга мувофиқ экин ўстирадиган асбоб-ускуналар ҳозирча қиммат туради, дейди хўжаликнинг мутахассислари. Лекин бу иш пул сарфлашга арзийди.

Ишчи қўли етишмайдиган жойларда эса айниқса наф келтиради. Чунки кўчат ўтказилган пайтдан бошлаб, мева етилгунига қадар оранжереяларда фақат системага хизмат қилувчи операторларгина ишлайди. Ҳосилга келганимизда у, одатдаги оранжереяларга нисбатан анча кўп. Масалан, гектар бошига 140—160 тоннадан помидор олинади. Бу миқдор тупроқда етиштирилганига нисбатан икки баравар кўпдир. Хўжаликда ҳар йили етиштириладиган гвоздика гули 750 минг донагача кўпайди. Олинадиган фойда ҳам шунга яраша ортди.

КОНЧИЛАРНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

БУДАПЕШТ. Ворошод кўмир ҳавзасидаги энг катта объектлардан бири «Лью-ко» шахтаси меҳнаткашлари муҳим меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар бир ой олдин миллион тонна қаттиқ ёқилғини қазиб чиқардилар. Шахта кончилари Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 40 йиллигини ва Венгрия Социалистик ишчи партиясининг XIII съездини муносиб кутиб олиш шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларига мувофиқ пландан ташқари яна 200—250 минг тонна кўмир қазиб чиқарадилар.

ЯРОҚСИЗ ЕРЛАР ЎРНИДА ЎРМОН ПАРКЛАР

БЕРЛИН. ГДРда собиқ қорамтир кўмир қазиб олинган ерларни ўзлаштириш катта программаси муваффақият билан амалга оширилиб бормоқда. Республикада кейинги йигирма йил ичида собиқ очиқ кўмир карьерлари ўрнида 20 минг гектар чамаси ўрмон парк барпо этилди, бир неча хушманзара сунъий кўллар вужудга келтирилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги шу тадбирлар планли илмий асосда олиб борилмоқда. Бу ишда маҳаллий ҳокимият органлари катта роль ўйнамоқда. Улар ҳали кўмир қазишга киришга бошлашдан олдин мамлакат қонунларига мувофиқ ернинг устки қатламларидан, очиладиган карьерлар ўрнида уйладиган жинслардан қандай фойдаланилишини, қорамтир кўмир карьери хизматини ўтаб бўлгач экологик мувозанатни тиклаш учун қанчалик ишлар қилиш лозимлигини аниқлаб оладилар. Буларнинг ҳаммаси республикада 1965 йилдан бери яроқсиз ерларнинг 80 процентдан кўпи ўзлаштирилишига кўмак берди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲАСИ

ГАВАНА. Кубанинг ҳар бир вилоятида апельсинзор ва лимонзорларни, бутун дунёга донг таратган Грейпфрут майдонларини учратиш мумкин. Бугунги кунда озодлик оролидаги цитрус майдонлари 130 минг гектар чамаси ерни эгаллаб турибди. Революция ғалаба қозонгунича бундай майдонлар 12 минг гектарга ҳам бормасди.

Марказий планлаштириш кенгаши қишлоқ хўжалик бўлимининг раҳбари Уильям Мосли журналистлар билан қилган суҳбатида Куба қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида цитрус мевалар қандай кейин иккинчи ўринда туришини айтди. 1976—1980 йилларда мамлакатда 1,5 миллион тонна цитрус мева олинган. Шу беш йилликда етиштириладиган цитрус мева қарийб 3 миллион тоннага етиши керак.

ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ХАТАРЛИ ЙЎЛИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ташқи ишлар министри Р. Н. Мирдха ғарб давлатлари ўтказаётган қуролланишт пойгаси ва мухолифлик снёсатини қатъий қоралади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганлигининг 39 йиллигига бағишланган йиғилишида сўзга чиқиб, бундай йўл инсоният мавжудлигининг ўзига хавф туғдиради, деб таъкидлади. Министр БМТни ядро урушининг олдини олишга ва ядровий қурол-яроғларни тугатишга биринчи даражали эътибор беришга даъват этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ялпи тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун курашда катта роль ўйнади, деб давом этди Р. Н. Мирдха. Ташкилот мавжудлигининг ўзи инсоннинг тинчликка ва ҳамкорликка интилаётганлиги н и н г далилидир. Нотиқ АҚШ ва бошқа бир қанча мамлакатлар раҳбарларининг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларига аҳамиятини шубҳа остига қўйган даъволарини танқид қилди, БМТ фаолиятида халқларнинг юксак муддаолари ўз ифодасини топмоқда, деди у.

ЗАМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАЛАБИ

ЛУСАКА. Замбия республикасининг президенти Кеннет Каунда Исроил ҳукмронларидан босиб олинган араб территориялари озод қилинишини, фаластинлик араб халқига унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз мустақил давлатини барпо этишдан иборат қонуний ажралмас ҳуқуқи берилишини талаб қилди.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● КАЛЬКУТТАДА МЕТРО

Ҳиндистоннинг энг йирик аҳолиси кўп бўлган Калькутта шаҳрида яшовчилар ажойиб совға олдилар. 1972 йилда қурилиши бошланган метро линияси бўйлаб мунтазам поездлар қатнови бошланди. Совет метрочилари қурилишга техникавий ёрдам кўрсатмоқдалар. Линияни бунёд этиш ишлари кўп миллионли шаҳардаги ҳаракат қатнови жуда ҳам тиғиз бўлган бир шароитларда олиб борилди. Вақти-вақти билан бўлиб турадиган муссон ёмғирларни пайтида ер ости сувлари туннелларни тўлдириб юборган пайтларда ер ости қасри қурилишида ишларни тўхтатишга тўғри келарди. Калькуттада метрополитеннинг бунёд этилиши шаҳар транспорти ҳаракатидаги тиғизликларни бир мунча пасайтириш имконини беради. Калькутта метроси —Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яна бир яхши тимсолидир.

● ШИША ИДИШДАН ҚУРИЛГАН УЙ

Япониянинг Томико шаҳрида яшовчи Кацунси Орибе ўн етти йил мобайнида бўшаган шиша идишларни йиғиш билан шуғулланди. Нега дейсизми! Кацунсининг бирдан-бир орзуси шишадан уй қуриш эди-да!!! Яқинда унинг шу орзуси ушалди. Бир қаватли коттеж қурилишига 230 мингта шиша идиш кетди.

● АКТЁР НОМИГА ҚЎЙИЛГАН ГУЛ

Таниқли француз киноактёри Луи де Фюнес гулларни жуда ҳам яхши кўрарди. У 1981 йили Майеннадаги (Франция) «гуллар лабораторияси»ни борган эди. Унга айниқса тўқсариқ рангли гуллар ёқган эди. Вафотидан сўнг эса гулнинг ана шу навн буюк комик номига қўйилди. «Луи де Фюнес» гули шу йил биринчи марта Нантада бўлиб ўтган гулларнинг халқаро виставкасига қўйилди.

● БЕДАРАК ЙЎҚОЛДИ

Америкаликнинг Ассошиэйтед Пресс телеграф агентлиги бюросининг тўрт хизматчиси 24 октябрь куни Байрутда бедарак йўқолишди. Расмий шахсларнинг ҳисоблашича улар ўғирлаб кетилган.

● МЕҲМОНХОНАДАГИ ЕНҒИН

Багио [Филиппин] шаҳридаги меҳмонхонадан чиққиб кетган ёнғин оқибатида 17 киши ҳалок бўлган ва 50 киши оғир жароҳатланган. Полициянинг хабар беришича, ёнғиннинг сабаби ҳозирча номаълум.

● БИНОНИНГ 12 ҚАВАТИНИ ҚАМРАДИ

Нью-Йоркнинг ғарбидан 16 километр узоқликда жойлашган Патерсон шаҳридаги меҳмонхонанинг биринчи қаватида юз берган кучли ёнғин жуда тезлик билан бинонинг барча 12 қаватини қамраб олди. Камида саккиз киши ҳалок бўлди, ўттиздан ортиқ киши эса куйди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
30 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

Чингиз АЙТМАТОВ.



(АСРГА ТАТИГУЛИК КУН)

Она-Байит қабристонининг ўз тақдири бор. Ривоятга кўра ўтган замонларда Сариўзакни босиб олган чунгчангларга асирга тушган жангчиларга нисбатан беҳад шафқатсизлик қилар эканлар. Улар кези келганда бундай тутқунларни қўшни ўлкаларга қул қилиб сотиб юборишар экан. Бу эса тутқунларнинг омади келганми ҳисобланаркан. Чунки сотиб юборилган қул эртами, кечми, бир кун ўз ватанига қочиб кетиши мумкин эди. Жунгчангларнинг ўз қўл остида тутқун бўлиб қолганларининг ҳам бошига шиқи қоплаш йўли билан ҳам даҳшатли бир тарзда қийнаб кейин хотирасини йўқотар эканлар. Шундан кейингина жангда асир тушган ёш йигитлар бундай жазога гирифтор бўлишарди. Аввалига жунгчангларнинг тутқинининг сочини дастлаб ўнг, сўнг га тескарисига тақир қириб ялтиратишади. Сартарошлик маросимни тугагач, жунгчангларнинг чапдаст қасбдошлари каттакон бир туянни сўйиб, терисини шила бошлайдилар. Улар ҳали ҳеч нарсадан бехабар энг қалин ва оғир терилардан бўлишар ва шу заҳотиёқ совуқ чиқиб турган ёпишқоқ терини хозирги сузувчилар кияётган халпоққа сингари тутқинининг янги қирилган тақир бошига кийгизиб қўйишарди. Мана шунн шиқи қоплаш дейилардн. Бундай қийноққа дучор этилган қул ё даҳшатли азобларга бардош беролмай ўлиб кетар ёки хотирасидан умрбод маҳрум этилиб, ўтмишини эслай олмайдиган қулга — манқуртга айланиб қоларди. Битта туянинг бўйин териси бешолтита шиқига етарди. Шиқи қоплангандан сўнг ҳалокатга маҳкум этилган ҳар бир қулнн қийналганда бошинн ерга тегизса олмасин учун бўйнига ёғоч бўйинтуруқ боғлашарди. Шу алфозда уларни юракнн эзувчи, қулоқнн қоматга келтирувчи беҳуда дод-фарёдларн эшитилиб қолмасин учун одамлардан йироққа, сувсиз, емишсиз, оёқ-қўлларн боғлиқ ҳолда, кимсасиз яйдов далага, жазирама офтоб тиғига элтиб ташлар эдилар. Бу қийноқлар бир неча кун давом этарди. Кераклн жойларга соқчилар қалин қўйилиб, асирларнинг қабиладошларн уларнн қутқарнш учун келиб қолишса ўтказмаслик учун чора-тадбир кўрнб қўйилган эди. Бироқ, қутқазишга урнншлар жуда кам бўлардн, чунки очиқ далада қилт этган шарпа дарҳол сезилиб қоларди. Бунинг устига жунгчанглар фалончинн манқурт қилишибдн деган хабар тарқалган тақдирда ҳам тутқуннинг энг яқин бнродарларн ҳам унн қутқазишга ёки пул эвазига қайтарнб олишга урнннмаёқ қўярдилар, негакн бу ўша одамнинг қуруқ жасаднигина қайтарнш деган сўз эди. Фақат биргина найман волидасн ривоятларда Найман-Она номн билан машҳур бўлиб кетган инсон ўз ўғлнинг бу тахлит аччиқ тақдир-қисмати билан муроса қила олмади. Сарнўзак афсонаси шу ҳақда ҳикоя қиладн. Она-Байит қабристонининг номи ҳам шундан келиб чиққан.

Далага ташланган асирларнинг кўпчилигн Сарнўзак қўёшн тиғида даҳшатлн қнйноқларга бардош беролмай халок бўлган. Беш-олтита манқуртдан битта ёки иккитасигина тирик қолган. Бошқаларн очлнкдан ҳам эмас, балкн каллага қопланган терининг қуёш иссиғида қовжираб, қоқ мияни чидаб бўлмас даражада сиқнши натижасида жон таслнм қилар эдилар. Олов пуркаб турган қуёш остида ширн шафқатсиз равишда қисқарнб қулнинг қирилган бошнни темир чамбарак сингари жингиртоб қилиб қисарди. Орадан бир кун ўтмши билан жабрдийдаларнинг қирилган бошидан соч нши ура бошлайди. Осиёликларнинг тнкондай тнк ўсган дағал сочларн гоҳо хом терини тешиб чиқар, кўп ҳолларда эса чиқишга йўл тополмай яна қайтадан қайрилиб бош терисига қараб ўсарди ва аввалгидан ҳам баттар азоб берарди. Сўнгги сиқов давомида тутқунлар эс-ҳушларнни буткул йўқотар эдилар. Орадан беш кун дегандагина жунгчанглар келиб тутқунлардан қайсн бирн тирик қолганларнни кўздан кечиради. Агар азобланганлардан ақалли биттаси тирик қолган бўлса ҳам маҳсадга эришилган бўлардн. Бундай қулнн қийноқдан бўшатиб, сув бериб, аста-секнн кучга кирнтиб, оёққа тургизишарди. Бироқ ў энди барибир одам эмас, балкн мажбурнй равишда қийнаб эс-хушндан жудо этилган қул-манқурт ҳисобланардн, худди шунинг учун ҳам бундай қуллар ўнта соғлом тутқундан кўра қнммат-лироқ турардн. Ҳатто шундай қонун-қоида ҳам бор эдики, агар ўзаро тўқнашувларда ўлдирилган битта манқурт учун бошқа эркнн тутқунга нисбатан уч баробар ортиқ ҳақ ундирнб олинар эдн.

Манқурт ўзининг кнм эканлигнни, қайси уруғ-аймоқдан эканлигнни, ўз исмнни, болалнк кезларнни, ота-онасининг кимлигини бутунлай унутган бўлнб у ўзининг одамлигнни ҳам унутнб юборадн. Ўзининг инсоний қадр-қнмматнни идрок этолмаган манқурт хўжалик ишларн нуқтаи назаридан бир қанча афзалликларга эга эдн. У нотавон ва забонсиз бир маҳлуқ бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткор ва беозор. Қочаман-қўяман деган хаёл унинг тушига ҳам кирмайдн. Ҳар қандай қулдор учун энг даҳшатлн нарса — қулларнинг исёни. Ҳар бир қул снймосида исёнкорлик руҳн яширинган. Ёлғиз манқуртгина бундан мустасно, исён кўтарнш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт. Бундай тушунчалар унга бегона. Шунинг учун ҳам унн соқчилар томонидан қўрқнтлашга ва айнмқса бузуқ нятлн кишн сифатида гумонсирашга ҳожат йўқ. Манқурт худди ит кабн фақат ўз эгасиннгина танийдн. Бошқа билан нши йўқ. Уннинг фикрн-зикрн қорин тўйғазишда. Шундан бошқа ташвишн йўқ. Аммо ўзнга топширилган ншнн ўйламай-нетмай, ўлар-тирнларига қарамай, муқаррар бажо келтирадн. Манқуртлар одатда энг паст ва энг оғир ншларнн бажарншга мажбур этилар, ёки бўлмаса уларга энг зеркарлн, энг машаққатлн, овсарларча сабр-тоқат талаб этмладиган машғулотлар топширилар эдн. Фақат чексиз ва кимсасиз Сарнўзак яйловларидагн туялар подасидан бир қадам ҳам нарнга жилмасдан якка-ёлғиз яшашга маҳкум этилган манқуртгина бундай азоб-уқубатларга чидай олишн мумкин эди. Биргина манқуртнинг ўзи бундай олис жойларда бир қанча тўячиларнинг ўрнини боса олар эдн. Бор йўғн унинг қорнини тўғизсанг бас, шунда у қишин-ёзин демай ёлғизлик азобига ҳам ва бошқа ҳар қандай маҳрумликларга парво қилмай тнннмсиз ишлаган-ишлаган. Хўжайинининг амрн манқурт учун ҳам фарз, ҳам қарз. Унинг ўзига эса хўрак билан дашти биёбонда музлаб қотиб қолмаслик учун кифоя қнладиган устбош бўлса бас. Бўлак ҳеч нарсанн талаб қилмайди.

Инсоннинг инсонлик фазилатн, яратилганда бирга яратилиб, ўлганда яна ўзи билан бирга кетадиган ва бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган бирдан-бир ноёб фазилати— хотираси, ақл-идроки бўлса-ю унн таг-томири билан юлиб олсалар, — ахир бу қандай ёвузлик, қандай бедодлик, ундан кўра тутқуннинг қалбини поралаб, истаганча змён-захмат етказиб ўлимга маҳкум этишларн ёки бўлмаса бир йўла бошидан жудо этишларн юз чандон яхши эмасмн. Ўзларининг мудҳиш тарихнда ҳиёнат қилиш билан шуҳрат қозонган кўчманчи жунгчанглар энг муқаддас нарса— инсоннн бу муқаддас инсонийлик моҳиятига ҳам чанг солдилар. Улар қулларнн жонли хотирадан маҳрум этиш кирдикорини ўйлаб топдилар ва бу билан банн одам зотига ақлбовар қиладиган ва бовар қилмайдиган ёвузликлар орасида энг қабиҳ жинояга қўл урдилар. Гам-ғусса оловида қовриларн Найман-Она шундай зикр қилдн: Бўталоғим сенн ўз хотирангдан жудо этаётганларида, бошингга кўринмас темир чамбар ўрнатиб эс-ҳушингдан ажратаётганларида, қнсқич билан ёнғоқ чаққандай бошингга кийдирилган туятерн аста-секнн қурнб-қовжираб бош чаноғингни жингиртоб қилиб сиқаётганида, даҳшатли қўрқувдан кўзларинг косасидан ирғиб чиққанида Сарнўзак даштининг дудсиз оташи остида ўлнм талвасаси билан олишиб, лабингни ҳўллашга ҳам еру кўкдан бир томчи сув тополмай ташналик азобида қоврилаётганингда, ҳатто борлиққа ҳаётбахш этувчи хуршнди олам сен учун кўзингга сўқнр, юзн қора зулмат бўлиб кўринганднр!

Тулпорим, жон азобидагн юракнн ўртовчи оғу фарёдинг саҳро узра фалакка кўтарилганда илондай тўлғаниб, бақирнб-чақирнб куну тун тангрига илтижо қилганингда, нажотсиз кўкдан мадад кутганингда, азобуқубат нчра нафасинг ҳиппа бўғилганнда- оғиз-бурнингдан сўлакайинг оқиб аъзойи баданингдан тер чиқнб, ўша бадбўй ҳидга булғаниб ётганингда, мўр-малахдай пашшалар тўдасига ем бўлиб эс-ҳушингни йўқотганингда бу дунёда яратиб қўйиб сўнгра уни тарк этган тангрига жон-жаҳдинг билан лаънат ўқидингми!

Тулпорим, қийноқлардан майиб-мажруҳ бўлган ақл-идрокингга мангу тун чойшабн ёпилаётганда, хотиранг ришталарн зўрлик билан юлиб снтиб олиниб, ўттан умрннг билан сенн боғлаб турувчи ҳалқалардан, жон талвасасида ўзингни ҳар ён ўриб она нигоҳнни, ёз кунлари қирғоғида сен ўйнаб юрган тоғ жилғасининг шовуллашини унутаётганингда, шуурингни парчалаб, хотирангдан ўз номингни, отангнни номнни ўчириб ташлаётганларида, атрофингдаги сен билан униб-ўсган одамларнинг чеҳраларн сўнаётганнда ва сенга уялиб-ийманиб табассум қилаётган маҳбубаннинг жамолн қороннглашаётганида, — хотиротсизлик жарнга қулар экансан, ўз вужудида ҳомила пайдо этишга журъат этиб ва шу мудҳиш кун учун сенн ёруғ дунёга тавваллуд топтирган онан зорнигга лаънатлар ёғдиргандурсан!..»

Бу воқеа кўчманчи Осиёнинг жанубий сарҳадларидан сиқиб чиқарилган жунгчанглар шммол сари ёпирилиб келиб, Сарнўзак даштларнни узоқ вақтгача эгаллаб, босиб олган ерларнни кенгайтирнш ва аҳолнни қуллнккa солиш мақсадида ерлн халқлар билан тннимсиз уруш олиб борган замонларда юз берган эдн. Дастлабки пайтларда улар тинч аҳолн устига тўсатдан бостирнб келганликлари туфайли Сарнўзак атрофида яшовчи кўп сонли кишиларнн, шу жумладан аёлларнн ва болаларнн асир тушнрадилар. Қўлга тушган тутқунларнинг ҳаммасини эса қулликка маҳкум этадилар. Бироқ келгиндиларнинг босқинчилик ҳаракатига қарши кураш тобора кучая боради. Аёвсиз тўқнашувлар бошланадн. Жунгчангларнинг Сарнўзакдан кетадиган сиёғи йўқ, билъакс, улар чорва учун кенг-мўл яйловларн бўлган бу манзилга тиш-тирноқларн билан ёпишиб олган эдилар. Маҳаллий қабилалар эса ўз ерларнни йўқотишни истамас, эртамн-кечмн, босқинчиларнн бу ердан ҳайдаб чиқаришга ўзларнни ҳақлн ва бурчлн ҳисоблашардн. Алқисса, бундай катта-кичик жангларда гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли устун келиб турардн.

(Давомн бор).

(Давомн. Бошн газетанинг ўтган сонида).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

16 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ, МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ВА КЛУБЛАРИДА

«ҚИРҒОҚ»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ПРЕМЬЕРАСИ УТКАЗИЛИШИНИ БИЛДИРАДИ

Картина Юрий БОНДАРЕВнинг шу номли асари асосида суратга олинган.

Сценарий муаллифлари — Ю. БОНДАРЕВ, А. АЛОВ, В. НАУМОВ.

Режиссёрлар —А. АЛОВ.

Ролларда: Б. ШЧЕРБАКОВ, Н. БЕЛОХВОСТИКОВА, В. ГОСТЮХИН, А. ЖИГАРХАНЯН, В. ЗАМАНСКИЙ, Б. ДИТРИХ, К. БОЙЕ ва бошқалар.



Машҳур ёзувчи Вадим Никитин бизнинг кунларимизда Ғарбий Германия нашриётининг таклифига биноан Гамбургга боради. Аэродромда уни китоб магазинларининг эгаси Эмма Гербурт кутиб олади. Никитин ана шу аёлнинг чеҳрасидан кўп йиллар муқаддам севиб қолган қизчани танийди. Ўшанда қаттиқ жанглардан кейин Никитин командирлик қилган қисм Эмма истиқомат қиладиган кичик шаҳарчада жойлашган эди. Уруш пайтида совет офицерининг ёш немис қизига нисбатан бўлган туйғуси бахтдан ҳам кўра фожеа келтириши турган гап эди...

Каҳрамонларнинг ҳаётида юз берган қирқ бешинчи йилнинг зафарли воқеалари бугунги кунда бўлиб ўтадиган воқеалар билан омухталанади. Уруш билан боғлиқ бўлган кўпгина лавҳалар,—Никитин ва Эмманинг тақдирида талқин этиладиган эсдаликлардир.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Лирик хонанда ДАДАХОН ҲАСАНОВ.

VI Жаҳон фестивалининг лауреати АНВАР РУСТАМОВ

СОЛИСТЛАР: Дилором ҚАЮМОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Раҳимахон НОСИРОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Лола ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚОДИР МЎМИНОВ

Музика раҳбари ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

II группа Шарқ зонаси командалари ўртасида СССР биринчилиги учун

ХОККЕЙ

31 ОКТЯБРДА

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ГОРНЯК» (Дальнегорск).

3, 4, 6 НОЯБРДА

«БИНОКОР» (Тошкент) — «АМУРСТАЛЬ» (Комсомольск).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 19.30 да бошланади.

46-03-12; 46-70-31; 46-07-53; 46-68-77 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1984-85 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори) ВА СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиёзига эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см, 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ 1984-85 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚУВ КУРС КОМБИНАТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ (саноат) ТОВАРЛАРНИ ҲАММА ПРОФИЛЛАРИ БЎЙИЧА СОТУВЧИ ВА КОНТРОЛЁР КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқув-курс комбинатини тугатганларга «Сотувчи», «Контролёр-кассир» деган малака берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқув-курс комбинати тингловчилари ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳридаги энг яхши савдо корхонасида ўтайдилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, фотосурат (3х4 см.) 4 дона ёки 6 дона.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиник касалхонаси» 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

АСАЛНИНГ БИР ТОМЧИСИДА БИР ОЛАМ ҚУДРАТ БОР

ХУШБЎЙ ИСЛИ АСАЛНИНГ БИР ТОМЧИСИДА ЮЗДАН ЗИЁД ФОЙДАЛИ МОДДАЛАР МУЖАССАМЛАНГАН—

глюкозалар ва минерал моддалар,
органик кислоталар
бўёқлар ва гормонлар,
фитонцидлар ва антибиотик моддалар.

БУ БЕБАҲО ОВҚАТЛАНИШ НЕЪМАТИНИ САЛОМАТЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИ ДЕБ ТАЪРИФЛАШАДИ.

Қадим-қадим замонларда табиблар асалнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида кўп нарсани билишган. Улар яра, куйган жой, ошқозон яраси касалликларини даволашда асалдан фойдаланишган. Қадимги Ҳиндистон, Юнонистон, Шарқнинг аллома тиб илми олимлари жигар, буйрак, ошқозон, ўпка, юрак хасталикларини даволашда асални кенг қўллаганлар.

Ўпка касалликларида асални сут билан ёки мой билан тановул этиш тавсия этилган. Ибн Сино бу борада қуйидагиларни маслаҳат берган:

15 ёшгача бўлган болаларга — асал тут меваси шарбати ва долчин билан;

15 дан 45 ёшгача бўлган беморларга эса гул барги ва долчин билан;

45 ёшдан кейин янчилган ёнғоқ билан пархез қилинишини айтган.

Узоқ асрлар мобайнида асал мумн ва асалдан тайёрланган нонлар — хасталикларни битиришда қўлланилган.

ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА

Биз шамоллашни кетказиш ва уни олдини олишда асалнинг фойдали эканлигини яхши биламиз. Бунинг учун асални чойга солиб (бир чой қошиқ асалга бир стакан сув аралаштирилади) ичилади. Агарда сиз уйқудан олдин бир чой қошиғида асал истеъмол қилсангиз, у сизнинг руҳингизни хотиржам ва уйқуни ҳузурбахш қилади.

ШИФОБАХШ БЎЛИБ ҚОЛМАЙ

Асал шифобахшлигидан ташқари энг ҳузурбахш луқма сифатида ҳам тановул этилади.

Кўпчилигимиз асал чой, асал сут, асал кофе ва ҳатто асал кефир ичишни севамиз. Қалин ва юпқа қуймоқларни асал билан тановул қилиш ҳам ғоятда лаззатлидир. Асалга ҳатто сутли каша ҳам қўшиш мумкин.

Асалдан лаззатли бўғирсоқлар, пряниклар ва бошқа қатор таомлар тайёрлаш мумкин.

ЧАК-ЧАК РЕЦЕПТИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ

Бунинг учун уч дона тухум, бир чимдим туз ва унни аралаштириб (суюқ) хамир қорасиз. Қулчатой тахминан 3 миллиметр қалинлигида ёйилиши керак. Уни 3 сантиметр энликда йўл-йўл қилиб қирқасиз, бир-бирининг устига кўндаланг қилиб териб чиқасиз ва яна қирқасиз. Масаллиқни эриган пахта мойида қирмизи рангга киргунча оз-оздан қовуриб оласиз.

Тоза қозонда уч ош қошиғида асални эритасиз, унга икки ош қошиғида шакар солиб эригунча аралаштирасиз. Аввал қирқиб қўйилган чўпичак шаклидаги хамирни қозонга эриган асалга солиб яхшилаб аралаштирасиз. Шундан кейин лаганга олиб, совуқ сувга чайилган қўл билан гумбазча шаклини ҳосил қиласиз.



Дастурхонга тортишдан олдин бироз совутиб қўйиш керак.

Агарда янчилган ёнғоқ ва туюлган кишмиш солинса чақчакнинг лаззати янада ошади. Бундай ҳолда асалнинг миқдори бирмунча кўпайтирилади.

ШАҲАРНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ ВА ГАСТРОНОМЛАРИДА ТАБИИЙ АСАЛНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ОБЛАСТЛАРИДАН ТОШКЕНТГА АСАЛ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА.

ШАҲАР САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон: 33-68-83).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

сешанба

30 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.15 «Ерда, самода ва денгизда».
17.45 В. Маяковский. «Гражданлик лирикаси».
18.45 Белоруссия Давлат рақс ансамблининг концерти.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Урушсиз йигирма кун». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевикторина.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.35 Халқ куйлари.
19.45 «Сизга манзур адабиётлар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.00 «Қироллнинг ҳамма лашкарлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 «Соя — ажойиб ўсимлик». Илмий-оммабоп фильм.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Сокол». 3-давр.
24.00 Л. Мартинов. «Ҳавода учувчи денгиз қушлари».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ягона сиёсий кун». «Ўзбекистон—СССР халқларининг қардошлик онласида» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар Ҳ. Қодирова ва И. Бўронов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хирмонингизга барака».
22.15 «Халқ оғзаки ижоди».
23.10 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқув программаси.
18.45 «Келажак заводлари». Ҳужжатли фильм.
19.05 Ўқув программаси (рус.).
19.40 «Псков». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Тузоқ». Бадиий фильм. (рус.).
21.30 МТ II

чоршанба

31 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.10 «Урушсиз йигирма кун». Бадиий фильм.
11.50 «Саёҳатчилар клуби».
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Анъаналар ворислари». Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.25 Халқ куйлари.
16.45 «Билимимиз — қудратимиз» Тележурнал.
17.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 Қозоғистон ССР халқ артисти А. Днишев концерти.
20.30 «Шоирлар тинчлик учун курашда». Останкино концерт студиясида поэзия кечаси
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясидаги поэзия кечасининг давоми.
22.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II


9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Саккизинчи кун. Душанба». Телефильм.
12.05 —12.40 «Сиз яратган боғ».
14.40 Тарих саҳифалари. «Ишчиларнинг халқаро биродарлиги». Интернационал ҳақида.
15.20 «Уйғониш даври санъати». 2-кўрсатув.
15.50 «Сеҳрли бўёқлар». Совет ёзувчиларининг эртаклари.
16.35 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.15 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Алкоголь ва меҳнат», «Тасодифми?», «Фақат бир рюмка».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ҳужжатли фильм.
21.00 Л. В. Бетховен. Биринчи симфония.
21.30 «Время».
22.05 «Қироллнинг ҳамма лашкарлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.05 «Москва кузи», Совет музыкаси VI фестивалининг концерти.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Виталий Бианки».
11.15 «Табиат билан дўстлашиб». Телефильм.
11.30 «Дружина Маршда» (рус.).
12.00 Телефильм.
12.30 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Олий лига. «Меҳнат» (Тошкент)— «Торпедо» (Москва). Митрофанов номли Сув спорти саройидан репортаж.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 «Адабий альманах».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Фирма, савдо, харидор» Тошкент Марказий универсал магазинидан репортаж (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — оқ олтин даврим». Ёшлар учун музикали программа.
23.30 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

9.00 — 16.40 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ярим ўтказгичлар ва ўхшаш материаллар радиацион физикасига оид Бутуниттифоқ конференцияси (рус.).
18.45 «Футбол чорраҳаларида».
19.15 «Биз ҳаммамиз — пахтакормиз».
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Горняк» (Дальнегорск). 2- ва 3-даврлар.
21.15 «Чегем». Телефильм.
21.30 МТ II.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — орган Ташкентского обкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета

Газета бир йилда 300 та сон чиқади

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ Ш., ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: секретариат— 33-97-07; партия турмуши— 32-53-66; саноат —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-53-10; ички ишлар ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, маориф, культура — 32-53-10; адабиёт ва санъат— 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 32-55-32; диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёт-полиграфия бирлашмасининг Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Р—10511. Б-2015. 12 14